

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ОНКОЛОГИЯ ВА
РАДИОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019Tib.77.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ОНКОЛОГИЯ ВА
РАДИОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

ТУЙЧИЕВ АНВАР ПАРДАБАЕВИЧ

**ҚОВУҚ МУШАК-ИНВАЗИВ САРАТОННИ ДАВОЛАШДА
ТРИМОДАЛ ТЕРАПИЯ**

14.00.14 – Онкология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Туйчиев Анвар Пардабаевич

Қовуқ мушак-инвазив саратонини

даволашда тримодал терапия 3

Туйчиев Анвар Пардабаевич

Трёхмодальная терапия в лечении

мышечно-инвазивного рака

мочевого пузыря 29

Tuychiev Anvar Pardabaevich

Three-modal therapy in the treatment

of muscle-invasive bladder cancer 55

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 59

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ОНКОЛОГИЯ ВА
РАДИОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019Tib.77.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ОНКОЛОГИЯ ВА
РАДИОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

ТУЙЧИЕВ АНВАР ПАРДАБАЕВИЧ

**ҚОВУҚ МУШАК-ИНВАЗИВ САРАТОННИ ДАВОЛАШДА
ТРИМОДАЛ ТЕРАПИЯ**

14.00.14 – Онкология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги хузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2021.2.DSc/Tib564-сон билан рўйхатга олинган.

Диссертация Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий Кенгаш веб-сайтида (www.cancercenter.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziyo.net) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Бойко Елена Владимировна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Гафур-Ахунов Мирза-Али Алиярович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Рахимов Нодир Махамматкулович
тиббиёт фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

Тошкент тиббиёт академияси

Диссертация ҳимояси 2025 й. «___» _____ да соат ____ да Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг илмий даражалар бериш бўйича DSc.04/30.12.2019Tib.77.01 рақамли Илмий Кенгаш йиғилишида бўлиб ўтади (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Фаробий кўчаси, 383. Тел/факс: (+99871) 246-05-13; e-mail: info@cancercenter.uz).

Диссертация билан Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___-сон билан рўйхатдан ўтказилган). манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Фаробий кўчаси, 383. Тел/факс: (+99871) 246-05-13.

Диссертация автореферати тарқатилди «___» _____ 2025 йилда.

(2025 йил “___” _____даги _____ -сонли юбориш протоколи реестри).

М.Н. Тилляшайхов

Илмий даражалар бериш бўйича илмий Кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

А.А.Адилходжаев

Илмий даражалар бериш бўйича илмий Кенгаш илмий
котиби, тиббиёт фанлари доктори, профессор

М.Х.Ходжибеков

Илмий даражалар бериш бўйича илмий кенгаш
кошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари
доктори, профессор

Кириш (фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Қовуқ саратони Global Cancer Statistics 2022 маълумотига кўра, дунёда тарқалиши бўйича хавфли ўсмалар ичида 9 ўринни эгаллайди ва, «... 2022 йилда дунё бўйлаб 614 298 киши қовуқ саратони билан касалланган ва бу 2020 йилга қараганда 7,1%га кўпдир...»¹. Ташхис қўйишнинг ўртача ёши 65–70 ёш, аммо ёш беморлар орасида ҳам касаллик ўсиш тенденцияси мавжуд. Ҳолатларнинг 70% и эрта босқичда (мушак ноинвазив саратони) аниқланади, аммо юқори рецидив қайд этилиши (60–70%) узок муддатли кузатув ва такрорий даволашни талаб қилади. Мушак инвазив саратон агрессив кечиш ва метастаз хавфи юқорилиги сабабли 5 йиллик яшовчанлик даражасини 40-50% гача пасайтиради. Асосий даволаш усуллари трансуретрал резекция, цистэктомия, химиотерапия, иммунотерапия (BCG, назорат нуқталари ингибиторлари)ни ўз ичига олади. Сўнгги йилларда таргет терапия, иммунотерапия ва нур терапия ривожланишига қарамай, маҳаллий тарқалган ва метастатик қовуқ саратони бўлган беморларни даволаш замонавий онкологиянинг долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади.

Жаҳонда қовуқ мушак-инвазив саратонини даволашда замонавий терапевтик ёндашувларни оптималлаштириш қаратилган қатор илмий-тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Бу борада, ҳозирги вақтда ўсмаларни аниқлаш ва олиб ташлаш учун ТУР усуллар қўлланилади. Баъзи муаллифлар қовуқ саратонини даволашда киме-нур элементларни ТУР билан комбинациясининг юқори самарадорлигини, яъни рецидивлар фақат ТУР қўлланилганда 56,6% ўрнига, 29,9% кузатилишини таъкидлашмоқда. Бунда қовуқ ўсмасини лазер деструкциясидан кейин Т1 босқичида умумий рецидив даражаси бирламчи беморларда 33% дан касалликнинг рецидивланиши бўлган беморларда 54% гача кузатилади. Шу билан бирга, бошқа муаллифлар ТУР ва лазер терапиядан кейин сезиларли фарқни аниқламадилар. Дастлабки 6 ой ичида рецидивнинг юқори эҳтимоли ТУРнинг етарли даражадаги даво муолажаси эмаслигини кўрсатади. Шунинг учун барча беморларга адъювант терапияни тайинланишини кўриб чиқиш таклиф қилинган. Лекин, адабиётлар шарҳига кўра, турли муваффақиятларга қарамай, жарроҳлик йўли билан даволаш мушак инвазив қовуқ саратонини даволашнинг энг самарали усули бўлиб қолмоқда ва бу таклиф қилинаётган ва олиб борилаётган тадқиқотларга қарамай, қовуқ саратонида тримодал терапияга қаратилган илмий изланишларни амалга ошириш алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш, тиббий тизимни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, жумладан, онкологик касалликларни эрта ташхислаш ва даволашни такомиллаштиришга қаратилган комплекс чора-тадбирларни амалга оширмоқда. Шу муносабат билан 2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистонни ривожлантириш

¹ https://worldbladdercancer.org/news_events/globocan-2022-bladder-cancer-is-the-9th-most-commonly-diagnosed-worldwide/

стратегиясининг еттига устувор йўналишларига мувофиқ, аҳолига тиббий ёрдам кўрсатишни янги босқичга кўтариш мақсадида «... бирламчи тиббий хизмат томонидан аҳолига кўрсатилаётган малакали хизматлар сифатини ошириш ...»² каби вазифалар юклатилган. Ушбу вазифалардан келиб чиқиб, мушак-инвазив қовуқ саратонини даволашда замонавий терапевтик ёндашувларни оптималлаштиришга қаратилган комплекс илмий тадқиқотлар ўтказиш мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ–60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида», 2018 йил 7 декабрдаги ПФ–5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ–4891-сон «тиббий профилактика самарадорлигини янада ошириш орқали аҳоли саломатлигини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотларнинг Республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари билан мувофиқлиги. Диссертация тадқиқотлари Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиясини ривожлантиришнинг устувор йўналиши VI “тиббий ва фармакология”га мувофиқ олиб борилди.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ҳозирги босқичда қовуқнинг трансуретрал резекцияси (ТУР) танланган усул бўлиб, унинг кам инвазивлиги, такрорий фойдаланиш ва қовуқ сиғимини сақлаб қолиш имконияти туфайли очик резекция усулини четга суриб қўйди. Бироқ, адабиёт маълумотлар эрта рецидивлар юқори частотасини кўрсатади (ТУР дан кейин биринчи 2-8 ҳафтада 70%гача). Бу рецидивлар 3 ойдан сўнг 80% гача, дастлабки 5 йил ичида эса 90% га етиши ортади. (Brauers A. et al., 2016; Jahnsen S., 2015; Sylvester R.J. et al., 2016; Herr H.W. et al., 2017). Бу асосий ТУР вақтида ўсмани ўтказиб юбориш эҳтимоли билан боғлиб бўлиши мумкин. Рецидивланиш ўсма ўчоқларининг мультицентриклиги, ташҳисланмаган *in situ* саратонининг мавжудлиги ва ТУР вақтида ўсма ҳужайраларининг имплантацияланганлик эҳтимоли билан боғлиқ (И.Г. Русаков ва бошқ., 2013). Бундан ташқари, ТУР дан кейин қолдиқ ўсма мавжудлик ҳавфи юқори бўлади (33-65%) ва мушак тўқималари текширилмаганда ёки етарли даражада текширилмаганда касалликнинг босқичини етарли баҳоламаслик (30% гача) кузатилади. T₁ ва T₂ босқичларидаги ўсмаларни даволашдаги кардинал фарқларни ҳисобга олиб ва бирламчи ТУР сифатини назорат қилиш учун такрорий ТУР (second look TUR, SL TUR) ўтказиш таклиф қилинди (Herr H.W., 1999; Klan R., 2014).

Ўзбекистонда қовуқ саратони бўйича тадқиқотлар т.ф.д. профессор Тилляшайхов М.Н. (2008) ва т.ф.д. Вахабов О.Ў.нинг (2009) касалликнинг

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ–60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги фармони

инвазив шаклларига бағишланган ишларида намойиш этилган. Бобоқулов Ш.Х. диссертациясида (2018) пробиотикларни интравезикал инстиляцияси ёрдамида ноинвазив қовуқ саратонини жарроҳлик давоси кўриб чиқилган. Т.ф.н. Хасанов Ш.Т. (2019) инвазив саратонда артифициал қовуқни шакллантиришда детубуляризация ва атубуляризация усулларининг қиёсий хусусиятларини ёритган. Р.А. Хашимов ишида (2023) қовуқнинг трансуретрал резекциясида бир блокда қовуқ ўсмасини олиб ташлаш орқали ноинвазив қовуқ саратонини даволаш натижалари баён қилинган.

Трансуретрал резекция (ТУР) дан кейин юқори рецидивланиш даражаси янада агрессив даволаш моделларини ишлаб чиқишни, рецидивларни эрта ташхислаш усулларини такомиллаштиришни, касалликларни босқичини аниқлашни ва профилактика стратегиясини оптималлаштиришни талаб қилади. Юқоридагилар танланган тадқиқот мавзусининг долзарблигини белгилайди.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти РИОваРИАТМнинг ФЗ-201908061" Сийдик пуфаги саратонини даволашда танлаб олинган лазерга асосланган холда фиброволокон оптика асбобини ишлаб чиқиш" (2020-2022 йиллар) мавзусидаги илмий тадқиқот режасига мувофиқ амалга оширилди.

Тадқиқотнинг мақсади: мушак-инвазив қовуқ саратони тримодал терапиянинг илмий асосланган протоколинини ишлаб чиқиш ва тадбиқ этиш орқали даволаш натижаларини оптималлаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

T_2 босқичидаги мушак-инвазив қовуқ саратонининг нур терапияси дозиметрий режалаштиришини ва кимё сенсбилизация режимларини оптималлаштиришни ўз ичига олган тримодал терапия протоколинини модификациялаш ва стандартлаштириш.

$T_2N_{0-1}M_0$ босқич мушак-инвазив қовуқ саратонида модификацияланган тримодал терапиянинг бевосита, яқин ва узоқ натижаларини стандарт ёндашувлар билан таққослама таҳлилинини ўтказиш ва токсиклик, ҳаёт сифати ва функционал натижаларини баҳолаш.

Касалликнинг рецидивланиш ва прогрессияланиши клиник, патоморфологик прогностик омилларини идентификация қилиш билан, қўлланиладиган даволаш усулига қараб, беморларнинг умумий, рецидивсиз ва ўсма-специфик яшовчанлик кўрсаткичларини баҳолаш.

Қовуқ инвазив саратонини даволашда ишлаб чиқилган тримодал терапия усулининг тиббий-иктисодий самарадорлигини комплекс баҳолаш, шу жумладан аъзони сақлаб қолинишини ҳисобга олган ҳолда “ҳаражат-самарадорлик”ни таҳлил қилиш ва ҳаёт сифатини баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти бўлиб 2016 йилдан 2022 йилгача Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази, Тошкент шаҳар, Сирдарё филиалида даволанган 102 нафар қовуқ саратони беморлари олинди.

Тадқиқотнинг предмети бўлиб трансуретрал резекция пайтида олинган гистологик препаратлар, касаллик тарихлари, амбулатор карталар, канцер-регистр маълумотлари олинди. Инвазив қовуқ саратонини даволашнинг бевосита, яқин ва узоқ муддатли натижалари тиббий ва иқтисодий самарадорлигини ҳисобга олган ҳолда ўрганилди.

Тадқиқотнинг усуллари. Клиник, ультратовуш, магнит-резонанс томография, патоморфологик ва статистик усулларни ўз ичига олган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

мушак-инвазив қовуқ саратонининг T_2 босқичидаги цистэктомияга қарши кўрсатма бўлган ҳолатларда ТУР ва радиомодификаторлар фонидан нур терапия қўллаш ўсманинг чегараланиши ва давомли ўсишини камайтириши ҳисобига самарадорлиги исботланган;

мушак-инвазив қовуқ саратонида тримодал терапия қўлланилганда қовуқнинг детрузор функцияси сақлангани ҳисобига пастки пешоб йўллари синдроми ривожланмаслиги ва пешоб стомаси бўлмаслиги ҳисобига ҳаёт сифати яхшиланиши исботланган;

T_{2a} мушак-инвазив босқичида ва G1 градацияли қовуқ саратонида тримодал терапияни давога юқори сезгирлиги ҳисобига қўлланилиши самарадорлиги исботланган.

$T_2N_1M_0$ мушак-инвазив қовуқ саратонда радикал хирургик давога қарши бўлган ҳолатларда неоадьювант ПХТ ўтказиш регионлар лимфа тугунларни кичрайтириши ва ўсма ҳажмини камайтириши ҳисобига даво-тактикасида тримодал терапияни қўлланилиши самарадорлиги исботланган;

Тадқиқотнинг амалий натижалари.

олинган маълумотларга асосланиб, беморни танлаш, даволашни режалаштириш ва кейинги мониторинг қилиш бўйича батафсил тавсияларни ўз ичига олган мушак-инвазив қовуқ саратонини тримодал терапиясининг оптималлаштирилган протоколи ишлаб чиқилди ва клиник амалиётга татбиқ этилди.

ўсманинг клиник, патоморфологик хусусиятларини комплекс баҳолаш асосида тримодал терапия учун беморларни танлашнинг аниқ мезонлари ишлаб чиқилди. Даволашнинг амалиётдан олдинги ва кейинги босқичларида касалликнинг ривожланиш хавфи юқори бўлган беморларни аниқлаш учун хавфларни стратификациялаш тизими ишлаб чиқилди.

тавсия этилган ўсманинг максимал трансуретрал резекцияси, сўнгра нур терапияси ва радиосенсибилизацияловчи кимётерапияни ўз ичига олган тримодал терапия усули касалликни локал назорати ва қовуқ функциясини сақлаб қолиш борасида юқори самарадорликни демонстрация қилди. Усул диққат билан танланган беморларда радикал цистэктомияга муқобил сифатида онкоурологик амалиётда кенг қўлланилиши учун тавсия этилиши мумкин.

ишлаб чиқилган тримодал терапия протоколини клиник амалиётга жорий этиш даволашнинг узоқ муддатли натижаларини, яъни 5 йиллик умумий ва рецидивсиз яшовчанликнинг ошишини, шунингдек, кўпчилик беморларда функционал қовуқнинг сақланиб қолишини сезиларли даражада яхшилади.

Ўтказилган фармакоэкономик таҳлил, радикал цистэктомия билан солиштирганда, асоратларни даволаш ва беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш харажатларини камайтиришни ҳисобга олган ҳолда, беморларнинг селектив гуруҳида тримодал терапияни қўллашнинг иқтисодий мақсадга мувофиқлигини кўрсатди.

тримодал терапиядан сўнг, ўз вақтида касалликнинг рецидивларини аниқлаш ва қутқарув терапиясини бошлаш имконини берувчи назорат текширувлари схемаси ва частотасини ўз ичига олган беморларни диспансер кузатувини оптималлаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилди.

Олинган натижаларнинг ишончлилиги. Олинган натижаларнинг ишончлилиги замонавий тасдиқланган тадқиқот усуллари, етарли миқдордаги клиник материаллар, маълумотларни таҳлил қилишнинг етарли статистик усулларида фойдаланиш, шунингдек олинган натижаларни ушбу соҳадаги маҳаллий ва хорижий тадқиқотлар маълумотлари билан таққослаш орқали таъминланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ўсманинг ва беморнинг индивидуал хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда $T_2N_{0-1}M_0$ босқичли мушак-инвазив қовуқ саратони беморларини даволаш учун персонал ёндашув алгоритми ишлаб чиқилди ва бу терапевтик стратегияни оптималлаштириш, яшовчанлик кўрсаткичларини ошириш ва беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш имконини бериши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти тримодал терапиядан сўнг, ўз вақтида касалликнинг рецидивларини аниқлаш ва қутқарув терапиясини бошлаш имконини берувчи назорат текширувлари схемаси ва частотасини ўз ичига олган беморларни диспансер кузатувини оптималлаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилинганлиги. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлиги техник кенгашининг 2024 йил 26 ноябрдаги 09/50-сонли хулосасига мувофиқ:

Биринчи илмий янгилик: мушак-инвазив қовуқ саратонининг T_2 босқичидаги цистэктомияга қарши кўрсатма бўлган холатларда ТУР ва радиомодификаторлар фонида нур терапия қўллаш ўсманинг чегараланиши ва давомли ўсишини камайтириши ҳисобига самарадорлиги исботланганлиги Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Фарғона филиали умумий хирургия бўлимида 2024 йилнинг 27 сентябрдаги №76-сонли буйруқ билан, Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Сирдарё вилояти филиали хирургия бўлимида 2024 йилнинг 27 сентябрдаги №67-сонли буйруқ билан амалиётга жорий этилган. *Ижтимоий самарадорлиги:* мушак-инвазив қовуқ саратонининг T_2 босқичидаги цистэктомияга қарши кўрсатма бўлган холатларда ТУР ва радиомодификаторлар фонида нур терапия қўллаш ўсманинг чегараланиши ва давомли ўсишини камайтириши ҳисобига қовуқ саратони билан оғриган беморларнинг реабилитациясини тезлаштириши ва ҳаёт сифатини яхшилашга

эришилган. *Иқтисодий самарадорлиги:* ТУР ва радиомодификаторлар фонидан нур терапия қўллаш ўсманинг чегараланиши ва давомли ўсишини камайтириши ҳисобига мушак-инвазив қовуқ саратонининг Т₂ босқичидаги цистэктомияга қарши кўрсатма бўлган беморларнинг стационарда қолишини 2 баробарга қисқартирган, қўшимча дори-дармон даволашга бўлган эҳтиёжни 50 фоизга қисқартиришига ва 1 нафар даволанган бемор учун умумий харажатлардан қарийб 17% гача иқтисод қилишга эришилган. *Хулоса:* мушак-инвазив қовуқ саратонининг Т₂ босқичидаги цистэктомияга қарши кўрсатма бўлган беморларда ТУР ва радиомодификаторлар фонидан нур терапия қўллаш ўсманинг чегараланиши ва давомли ўсишини камайтириши ҳисобига 1 нафар бемор ҳисобига маблағларни 17%га иқтисод қилиш натижасида беморларнинг ҳаёт сифатини ошириш имконини берган.

Иккинчи илмий янгилик: мушак-инвазив қовуқ саратонида тримодал терапия қўлланилганда қовуқнинг детрузор функцияси сақлангани ҳисобига пастки пешоб йўллар синдроми ривожланмаслиги ва пешоб стомаси бўлмаслиги ҳисобига ҳаёт сифати яхшиланиши исботланганлиги Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Фарғона филиали умумий хирургия бўлимида 2024 йилнинг 27 сентябрдаги №76-сонли буйруқ билан, Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Сирдарё вилояти филиали хирургия бўлимида 2024 йилнинг 27 сентябрдаги №67-сонли буйруқ билан амалиётга жорий этилган. *Ижтимоий самарадорлиги:* мушак-инвазив қовуқ саратонида тримодал терапия қўлланилганда қовуқнинг детрузор функцияси сақлангани ҳисобига пастки пешоб йўллар синдроми ривожланмаслиги ва пешоб стомаси бўлмаслиги ҳисобига ҳаёт сифати яхшиланиши ўз навбатида тиббий реабилитация кўрсаткичлари оширишга имкон берган. *Иқтисодий самарадорлиги:* қовуқнинг детрузор функцияси сақлангани ҳисобига пастки пешоб йўллар синдроми ривожланмаслиги ва пешоб стомаси бўлмаслиги ҳисобига мушак-инвазив қовуқ саратонида тримодал терапия қўлланилганда беморларнинг ҳаёт сифати яхшиланиши ҳамда меҳнатга лаёқатлик қобилиятини эрта тикланиши ва ногиронлик кўрсаткичларини камайиши эвазига бюджетдан бўладиган харажатларни 25% иқтисод қилишига эришилган. *Хулоса:* мушак-инвазив қовуқ саратонида тримодал терапия қўлланилганда беморларнинг ҳаёт сифати яхшиланиши ҳамда меҳнатга лаёқатлик қобилиятини эрта тикланиши ва ногиронлик кўрсаткичларини камайиши эвазига бюджетдан бўладиган харажатларни 25% иқтисод қилишига, ўрин кунлар сонининг 1-2 кунга қисқаришига эришилган.

Учинчи илмий янгилик: Т_{2а} мушак-инвазив босқичида ва G1 градацияли қовуқ саратонида тримодал терапияни давога юқори сезгирлиги ҳисобига қўлланилиши самарадорлиги исботланганлиги Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Фарғона филиали умумий хирургия бўлимида 2024 йилнинг 27 сентябрдаги №76-сонли буйруқ билан, Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Сирдарё вилояти филиали хирургия бўлимида 2024 йилнинг 27 сентябрдаги №67-сонли

буйруқ билан амалиётга жорий этилган. *Ижтимоий самарадорлиги:* T_{2a} мушак-инвазив босқичида ва G1 градацияли қовуқ саратонида давога юқори сезгирлиги ҳисобига тримодал терапияни қўлланилиши юқори самаралилиги натижасида беморларни эрта фаоллаштириш, стационарда бўлиш кунларини қисқартириш ва ҳаёт сифатини яхшилаш имконини берган. *Иқтисодий самарадорлиги:* T_{2a} мушак-инвазив босқичида ва G1 градацияли қовуқ саратонида давога юқори сезгирлиги ҳисобига тримодал терапияни қўлланилиши юқори самаралилиги натижасида беморларни эрта фаоллаштириш, стационарда бўлиш кунларини қисқартириш ва ҳаёт сифатини яхшилаш эвазига бюджетдан сарф харажатларни 15%га иқтисод қилишга эришилган. *Хулоса:* T_{2a} мушак-инвазив босқичида ва G1 градацияли қовуқ саратонида давога юқори сезгирлиги ҳисобига тримодал терапияни қўлланилиши юқори самаралилиги натижасида беморларни эрта фаоллаштириш, стационарда бўлиш кунларини қисқартириш эвазига бюджетдан сарф харажатларни 15%га иқтисод қилиш орқали беморларнинг ҳаёт сифатини ошириш ва ўрин кунлар сонини 1-2 кунга қисқартиришга эришилган.

Тўртинчи илмий янгилик: T₂N₁M₀ мушак-инвазив қовуқ саратонда радикал хирургик давога қарши бўлган холатларда неоадьювант ПХТ ўтказиш регионар лимфа тугунларни кичрайтириши ва ўсма ҳажмини камайтириши ҳисобига даво-тактикасида тримодал терапияни қўлланилиши самарадорлиги исботланганлиги Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Фарғона филиали умумий хирургия бўлимида 2024 йилнинг 27 сентябрдаги №76-сонли буйруқ билан, Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Сирдарё вилояти филиали хирургия бўлимида 2024 йилнинг 27 сентябрдаги №67-сонли буйруқ билан амалиётга жорий этилган. *Ижтимоий самарадорлиги:* неоадьювант ПХТ ўтказиш регионар лимфа тугунларни кичрайтириши ва ўсма ҳажмини камайтириши ҳисобига даво-тактикасида тримодал терапияни қўлланилиши самаралилиги натижасида T₂N₁M₀ мушак-инвазив қовуқ саратонда радикал хирургик давога қарши бўлган беморларда ҳаёт сифатини яхшилаш ва реабилитацияни тезлаштиришига эришилган. *Иқтисодий самарадорлиги:* неоадьювант ПХТ ўтказиш регионар лимфа тугунларни кичрайтириши ва ўсма ҳажмини камайтириши ҳисобига даво-тактикасида тримодал терапияни қўлланилиши самаралилиги натижасида беморларда ҳаёт сифатини яхшилаш ва реабилитацияни тезлаштириши сабабли бюджетдан бўладиган сарфларни 1 бемор учун қарийб 10% гача иқтисод қилишга эришилган. *Хулоса:* неоадьювант ПХТ ўтказиш регионар лимфа тугунларни кичрайтириши ва ўсма ҳажмини камайтириши ҳисобига даво-тактикасида тримодал терапияни қўлланилиши самаралилиги натижасида T₂N₁M₀ мушак-инвазив қовуқ саратонда радикал хирургик давога қарши бўлган беморларда бюджет харажатларини 1 бемор учун қарийб 10% гача иқтисод қилишга эришилган ва бу орқали беморларнинг ҳаёт сифатини ошириш ва ўрин кунлар сонини 2-3 кунга қисқартириш имконини берган.

Туйчиев А.П.нинг “**Қовуқ мушак-инвазив саратонини даволашда тримодал терапия**” мавзусидаги диссертация тадқиқотида олинган юқоридаги 4 та илмий янгилик бошқа соғлиқни сақлаш тизимидаги тиббиёт муассаларига жорий этиш бўйича Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг 2024 йилдаги 19 ноябрдаги 02- 03/653-сон хати Соғлиқни сақлаш вазирлигига тақдим этилган.

Илмий натижаларнинг апробацияси. Ушбу тадқиқотнинг натижалари 4 та илмий-амалий конференцияларда, шу жумладан, 2 та халқаро ва 2-та республика конференцияларида муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг нашр этилганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 11 та илмий мақола чоп этилган бўлиб, шундан: 3 та журнал мақолалари, шу жумладан диссертацияларининг асосий илмий натижаларини нашр этиш учун 3 та хорижий журналларда, 1 та услубий тавсиялар, 7 та тезислар нашр қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўртта боб, якун, хулосалар, амалий тавсиялар ва келтирилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация ҳажми 117 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва талабгорлиги, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари асослаб берилган, тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган, диссертация ишининг Ўзбекистон Республикасида фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилик ва амалий натижалар келтирилган, олинган маълумотларнинг илмий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг амалиётга татбиқ этилиши, нашр этилган ишлар тўғрисидаги маълумотлар ва диссертациянинг тузилиши очиб берилган.

Диссертациясининг “**Мушак-инвазив уротелиал қовуқ саратонини ташхислаш, даволаш ва бошқаришга замонавий қарашлар (адабиётлар шархи)**” деб номланган биринчи бобида мушак-инвазив уротелиал қовуқ саратонининг ҳозирги эпидемиологик ҳолати, замонавий диагностика ва даволаш турлари тўғрисида илмий маълумотлар чуқур таҳлил қилинган, уларни умумлаштириш ва тизимлаштириш амалга оширилган. Ушбу муаммога бағишланган маҳаллий ва хорижий адабиётлар ўрганилган, мушак-инвазив уротелиал қовуқ саратонини жарроҳлик йўли билан ва консерватив даволаш турлари ва уларнинг касалликларга таъсирини ўрганиш муаммосининг ҳозирги ҳолати кўриб чиқилган, кейинги ечимларни талаб қиладиган долзарб масалалар шакллантирилган. Адабиётларни таҳлил қилиш натижасида илмий тадқиқотларнинг мақсади ва вазифалари аниқланган.

Диссертациянинг “**Тадқиқотнинг материал ва усуллари**” деб номланган иккинчи бобида клиник материал ва фойдаланилган тадқиқот усуллариининг умумий тавсифи берилган. Тадқиқот Республика ихтисослаштирилган Онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази базаси онкоурология бўлимида ўтказилди. Тадқиқот ретроспектив ва

проспектив характерга эга бўлди. Тадқиқотга киритиш мезонлари қуйидагилар бўлди: ТУР+кимё терапия, тримодал терапия ва радикал цистэктомия ўтказилган $pT_{2a-6}N_0M_0$ босқичдаги қовуқ саратони.

Истисно мезонлари эса қуйидагилар бўлган: узоқ метастазлари ва лимфа тугунларига локо-регионар метастазлари бўлган T_{3-4} дан ортиқ босқичлар, шунингдек, синхрон ва метахрон бирламчи кўплаб хавфли ўсмалар. Юқорида тавсифланган мезонларни ҳисобга олган ҳолда, беморларнинг когортаси 102 беморни ташкил этди ва улардан $n=33$ (32,3%) нафари назорат гуруҳи (1-гуруҳ) ни ташкил этиб, уларга стандарт цистэктомия амалиёти бажарилган. Иккинчи гуруҳ (2-гуруҳ) ни $n=33$ (32,3%) беморлар ташкил қилди ва уларга ТУР + цисплатин + гемцитабин схемаси бўйича адьювант кимё терапиядан ўтказилди. Учинчи $n=36$ (35,3%) бемордан иборат гуруҳга тримодал терапия қуйидаги схемада ўтказилди: ТУР + гипофракция режимида нур терапияси (ўсма ўрнига 20 фракцияда СЎД 55 греЙ) (boots) ва цисплатин 100 мг/м² ҳар 3 ҳафтада билан радиосенсибилизация терапия.

Беморларнинг танланган когортасидан эркақлар улуши 90 (88,24±3,19%), аёллар учун 12 (11,76±3,19%) ни ташкил этди. Ўртача ёш 54,6±1,5 (24-96) йилни ташкил қилди. Ўсмалар максимал ўлчамининг медианаси ($n=102$) 1,3 (1,9-2,5) смни ташкил этди. Якка ўсмалар 72 (70,68%) нафар беморда, мультицентрик 20 (29,4%) нафар беморда аниқланди. Ўсма билан қовуқ туби 16 (15,69±3,6%) беморда, ён деворлари – 39 (38,24±4,81%), олдинги девори – 10 (9,8±2,94%), орқа девори 31 (30,39±4,55%) беморда шикастланиши кузатилди. pT_{2a} мезонли ўсмалар 45(44,1±5,69%) беморда ва pT_{2b} ўсмалар – 57 (55,8±6,47%) беморда олиб ташланди ва бу, таққосланувчи гуруҳларда статистик бир ҳилдир.

Ўсмаларнинг хавфлилик даражасига қараб градацияси қуйидагича: G1-28 (27,45%), G2 – 36 (35,29%), G3 – 38 (37,25%). Кўриниб турибдики, кўпчилик ҳолатларда ўсмалар ўрта ва паст даражали дифференциация градацияга эга бўлган. EORTC таснифи бўйича рецидивнинг ривожланиш хавфи қуйидаги суратга эга бўлган: паст low-risk 20 (19,6±6,97%), ўрта intermediate – 45 (44,1±7,77%), юқори high – 23 (22,5±7,2%), жуда юқори – highest – 14 (13,7±5,14). Якка ўсмалар 77 (75,9±4,26%) беморда аниқланди. Кўплаб ўсмалар эса 25 (25,4±4,26%) беморда топилди. 2 смгача бўлган ўсма 19 (18,6%) беморда, 2 дан 3 смгача бўлган ўсма 52 (50,98%) ҳолатда, 4 смгача ўсма 17 (16,67%) беморда ва 4 смдан катта ўсма эса 14 (13,73%) беморда аниқланди.

Беморларнинг ўрганилаётган гуруҳларининг тавсифловчи хусусиятлари Манн - Уитнининг U-мезони, Пирсоннинг χ^2 мезони ёрдамида ўрганилди. Асосий ва назорат гуруҳлари ўртасида жинси, ёши, T тоифалари, рецидив ва прогрессияланиш хавфи гуруҳлари, EORTC, ўсмаларнинг гистологик дифференциацияси даражалари ва кузатув давомийлиги бўйича статистик фарқлар аниқланмади ($p>0,05$). Беморларнинг амалиётдан кейинги кузатуви ультратовуш ва цистоскопия ёрдамида амалга оширилди. Шубҳали ҳолатларда назорат биопсияси ўтказилди ва гистологик тасдиқланган ҳолатларда рецидив деб қабул қилинди. Қовуқда мушак-инвазив ўсма прогрессияси ёки регионар ёки узоқ метастазлар пайдо бўлиши ҳолатида

касалликнинг прогрессияси деб қабул қилинди. Рецидив ёки прогрессияланиш аниқланган кун охириги назорат нуқтаси деб ҳисобланди.


Диссертациянинг “Қовуқ инвазив саратонида радикал цистэктомия самарадорлигини таҳлил қилиш” деб номланган учинчи бобида қовуқ инвазив саратонига чалинган 33 беморни радикал даволашнинг бевосита ва узоқ муддатли натижаларини ретроспектив ўрганиш маълумотлари келтирилган (1-жадвал).

1-жадвал

Материалнинг асосий хусусиятлари ва қовуқ инвазив саратони беморларини даволаш натижалари

Кўрсаткичлар		Абсолют	%
Ўртача ёш		59,7±0,5	
Жинс	Эркак/аёл	27/6	81,8/18,2
Босқич	pT2aNoMo	14	42,4±10,6
	pT2bNoMo	19	57,2±8,91
Ўсманинг дифференциацияси	G2	15	45,45±8,67
	G3	18	54,55±8,67
Пешобни деривация усуллари	Қовуқни ортотопик пластикаси амалиёти	2	6,1
	уретерокутонеостомия	31	94,0
	Бир томомлама нефростома билан трансуретероаназтамоз	2	6,1
Леталлик	Амалиётдан кейинги	1	3,1
Амалиётдан кейинги асоратлар	эрта	5	15,2
	кечки	2	27,3

Солидар ўсмалар 77,7±6,9% (n=28), мултифокал ўсмалар 22,2±6,93% (n=8) беморда аниқланди. Ўсиш табиати бўйича: папилляр ўсмалар 38,9% (n=14) ҳолларда, солид - 41,7% (n=15), инфилтратив - 16,7% (n=6) ҳолатларда аниқланди.



Тримодал терапия жараёнида 13 (36,1%) беморда цистит шаклида реакциялар кузатилди. Даволаш нурланишни узилишисиз ёки курслар оралиғида танаффус билан амалга оширилди. Кейинги кузатувда 7 (19,4%) беморда нур цистити кўринишидаги асоратлар кузатилди: 2 (5,6%) беморда енгил, 4 (11,1%) беморда ўртача, 1 (2,8%) беморда – оғир даражада. Асоратлар кузатилган барча беморларга ижобий самара билан консерватив даво ўтказилди.

34 беморда клиник самарага эришилди ва бу баҳоланган ҳолатларнинг 94,4 фоизини ташкил қилади. Ўсманинг тўлиқ регрессияси 21 (58,3%) беморда қайд этилди. Ушбу беморлар ҳар 3 ойда мунтазам текширувлар, шу жумладан мажбурий цистоскопия ва ультратовуш текшируви билан диққат билан кузатилди. Рецидив аниқланганда жарроҳлик даволаш, асосан аъзо сақловчи амалиёт масаласи кўриб чиқилди. Жарроҳлик ҳажми ўсманинг катталиги ва жойлашуви билан аниқланди ва нур терапияси тугаганидан кейин ўтган вақтга боғлиқ бўлмади.

Тримодал терапиядан сўнг ўсма жараёнининг стабилизацияси ва прогрессияланиши деярли тенг миқдордаги ҳолатларда, мос равишда 8,3% (3 бемор) ва 5,55% (2 бемор) да кузатилди. Стабилизация кузатилган иккита беморга цистэктомия бажарилди, қолганларида эса унга қарши кўрсатмалар мавжуд бўлди. Ушбу беморларга, шунингдек, онкологик жараённинг прогрессияланиши бўлган беморларга симптоматик даво ўтказилди.

Қовуқ инвазив саратони учун радикал нур терапияси натижалари 2-жадвалда аниқ кўрсатилган.

2-жадвал

Қовуқ инвазив саратони беморларида тримодал терапия самарадорлиги

	Абсолют сон	T _{2a} %	T _{2b}
Тўла регрессия	21 - 63,6%	14 - 66,6%	7 - 35,4%
Қисман регрессия	10 - 27,8%	9 - 90%	1 - 10 %
Стабилизация	3 - 8,3 %	1 - 3,3%	2 - 66,7
Прогрессияланиш	2 - 5,55%		2 - 100%

Қовуқнинг инвазив саратонида ўтказилган тримодал даволаш натижасида энг кўп, яъни 10 (27,8%) беморда ўсманинг қисман регрессияси кузатилди.

Тадқиқот давомида ўсма жараёнининг босқичига ва суммар ўчоқли нурланиш дозасига қараб тримодал терапия самарадорлиги таҳлил қилинди. T_{2a} босқичида клиник самара беморларнинг 66,6 фоизида кузатилган бўлиб, T_{2b} босқичи бўлган беморларда клиник самара 27,2 % ҳолларда қайд этилган бўлиб, бу T_{2a} га қараганда икки ярим баробар пастроқдир. Жараённи стабилизация частотаси T_{2a} босқичда 8,3 фоизида, T_{2b} 3,3% фоизида кузатилди. Касалликнинг прогрессияланиши T_{2a} да кузатилмади, лекин T_{2b} босқичда у максимумга етди (5,55%) ва бу статистик жиҳатдан аҳамиятли (p<0.001).

3-жадвал

Ўсма жараёнининг босқичига қараб нур терапиясининг самарадорлиги

	T _{2a} n=24		T ₂₆ n=12	
	абс	%	абс	%
Тўлиқ регрессия	14	63,6%	7	35,4%
Қисман регрессия	9	27,8%	1	10 %
Стабилизация	1	8,3 %	2	66,7
Прогрессияланиш	0	5,55%	2	100%

6 (16,7%) беморда такрорий рецидивланиш кузатилди. Бунда, икки марта рецидив - 4 (11,1%) беморда, уч марта ва тўрт марта рецидивлар - 2 (5,5%) тадан беморда аниқланди. Такрорий рецидивлар бўлганда, 5 (13,9%) беморга қовуқ ТУРи ўтказилди ва 14 (1,8%) бемор симптоматик даволанди. Кейинги рецидивлар кузатилиш вақти турлича бўлди. Биринчи ва иккинчи рецидивдан кейинги минимал муддат 5,3 ойни, максимал муддат эса мос равишда 12,7 ойни ташкил этди.

4-жадвал

Қовуқ инвазив саратони беморларида комбинацияланган даволаш самарадорлиги

	Абсолют сон	%
Тўла регрессия	12	36,36 %
Қисман регрессия	12	36,36 %
Стабилизация	6	18,18 %
Прогрессияланиш	3	9 %

ПХТ терапиясидан кейин ўсма жараёнининг стабилизацияси ва прогрессияланиши 18,18% (6 бемор) ва 9 % (3 бемор) да кузатилди. ПХТ нинг энг кўп учраган натижаси - 12 (36,36%) беморда қайд этилган ўсманинг қисман регрессиясидир.

Босқичга қараб терапия самарадорлигини таҳлил қилиш қуйидагиларни кўрсатди: - T_{2a} босқичида клиник самара беморларнинг 90,9 фоизида кузатилиб, уларнинг 36,36 фоизида тўлиқ регрессия кузатилди. T_{2b} босқичида клиник самара 83,3% ҳолларда қайд этилди. Жараённинг стабилизация частотаси барча босқичларда мос бўлди. Касалликнинг прогрессияси T_{2a} да 6,6%, T_{2b} да эса 1,1 % кузатилди (p<0,001).

5-жадвал

Ўсма жараёнининг босқичига қараб нур терапиясининг самарадорлиги

	T _{2a} n=15		T ₂₆ n=18	
	абс	%	абс	%
Тўлиқ регрессия	7	46,6%	5	27,7%
Қисман регрессия	6	40%	6	33,3%
Стабилизация	2	6%	4	22,2%
Прогрессияланиш	1	3%	2	11,1%

Узоқ муддатли даволаниш натижаларини таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, такрорий рецидивлар беморларнинг 21,3 фоизида кузатилди (n=7). Улардан 12,1% (n=4) иккита рецидив ва 9,1% (n=3) беморда мос равишда учта ва тўртта рецидив кузатилди. Такрорий рецидивланишда беморларнинг 18,1 фоизига (n=6) қовукнинг трансуретрал резекцияси (ТУР) бажарилди. Рецидивлар орасидаги интерваллар 6,1 ойдан 16,6 ойгачани ташкил қилди.

Тиббий назорат остида бўлган беморларнинг 15,5 фоизида (n=5) узоқ метастазлар аниқланди. Якка метастазлар 9,1% (n=3) беморда, кўплаб метастазлар эса 6,1% (n=2) беморда аниқланди. Метастазланишгача бўлган ўртача вақт махсус даволаш тугагандан сўнг 17,4 ойни (7-37 ой оралиғида) ташкил этди.

ПХТдан кейинги узоқ муддатли даврда қовук инвазив саратони билан оғриган 33 беморнинг ҳаёт сифатини баҳолаш шуни кўрсатдики, 24,2% (n=8) беморда интенсив консерватив терапия талаб қилувчи асоратларнинг тез-тез хуружи кузатилди. Бироқ, беморларнинг аксарияти (75,7%, n=25) ўзларининг қовукларини сақлаб қолиш билан қониқарли ҳаёт сифатига эга бўлдилар.

Диссертациянинг “Қовук инвазив саратонини тримодал усулда даволашнинг узоқ натижалари” деб номланган тўртинчи бобида асосий ва назорат гуруҳи беморларида узоқ натижаларнинг комплекс баҳолаши ўтказилган. Нур терапиясининг умумий ўчоқли дозасига (СЎД) қараб қовук инвазив саратони билан оғриган беморларнинг яшовчанлик даражасини таҳлил қилинганда, иккита когорталар шакллантирилди. Биринчи когортага СЎД 59-63 Гр, иккинчисига 64-69 Гр олган беморлар киритилган. Олинган маълумотларга кўра (6-жадвал), биринчи когортада 3 йиллик рецидивсиз яшовчанликнинг максимал кўрсаткичлари кузатилди ва мос равишда $48,5 \pm 1,53\%$ ни ташкил этди. Иккинчи когортадаги шунга ўхшаш кўрсаткичлар статистик жиҳатдан анча паст бўлган – $42,26 \pm 2,38$ ($p < 0.05$). Биринчи когортада ушбу кузатув даврида ўртача рецидивсиз яшовчанлик мос равишда 26,91 ойни ташкил этди, иккинчи когортада эса медианага эришилмади.


6-жадвал

Нур терапия самараси таъсирига қараб инвазив қовук саратони беморларининг яшовчанлик кўрсаткичларини таҳлили натижалари

Интерваль (ойлар)	СОД, Тримодал терапия				Log Rank (Mantel-Cox)	
	59-63 гр.		64-69 гр.			
	Рецидивсиз яшовчанлик					
	М	m	М	m	Хи-квадрат	Р
12	79.8	2,08	73.7	1,23	0,055	0,815
24	60.9	1,48	53,74	3,18	4,014	0,045*
36	48.5	1,53	42,26	2,38	5,617	0,018*

Тримодал терапиядан кейинги узоқ муддатли даврда ҳаёт сифатини баҳолаш қовук инвазив саратони билан оғриган 61 беморда ўтказилди. 4 (6,5%)

беморда интенсив консерватив терапияни талаб қиладиган специфик даволаш асоратларининг тез-тез хуружи кузатилди. Қолган 57 (93,5%) бемор натив қовуқни сақлаб қолиш билан қониқарли ҳаёт сифатига эга бўлди.



1-расм. Нурланиш дозасига қараб рецидивсиз яшовчанлик

Қовуқ инвазив саратони билан оғриган беморларнинг яшовчанлик даражаси таҳлил қилинганда, нур терапиясининг таъсирига қараб, қуйидаги натижалар олинди. 3 йиллик рецидивсиз яшовчанликнинг максимал кўрсаткичлари ўсманинг тўлиқ регрессияси кузатилган беморларда кузатилди $77,5 \pm 4,1\%$ ни ташкил этди. Қисман ўсма регрессиясида аналогик кўрсаткичлар $63,5 \pm 4,9\%$ ни ташкил этди.

Жараённинг стабилизациясида 3 йиллик умумий яшовчанлик даражасининг сезиларли пасайиши қайд этилди – $20,6 \pm 4,42\%$. Касалликнинг прогрессияланиши бўлган беморлар гуруҳида рецидивсиз яшовчанлик $6 \pm 1\%$ ни ташкил қилди. Нур терапиясининг самарасини бағолаш учун мурожат этмаган беморларда 3 йиллик умумий яшовчанлик даражаси $26,4 \pm 2,2\%$ ни ташкил этди. Бу нурланишдан кейин доимий назорат остида бўлган ва агар керак бўлса жарроҳлик муолажасини олган клиник самарага эга беморларга қараганда 2,5 баравар паст демакдир ($71,5 \pm 1,7\%$, $p < 0,001$).

Қовуқ инвазив саратони билан оғриган беморларда радикал дастурга мувофиқ Тримодал терапия беморларнинг $77,5\%$ да ўсманинг тўлиқ регрессияси билан $85,5\%$ ҳолларда клиник самара кўрсатади. Энг катта клиник самарадорлик Т_{2а} босқичида кузатилади, касаллик босқичининг прогрессияланиши билан статистик жиҳатдан сезиларли даражада камаяди.

59-63 Гр ва 63-68 Гр умумий ўчоқли нурланиш дозаларида клиник самара частотаси статистик жиҳатдан фарқ қилади (мос равишда $48,5\%$ ва $42,67\%$, $p > 0,05$). Дозани 4-6 Гр га ошириш қовуқнинг инвазив ўтиш ҳужайрали карциномасининг тўлиқ ва қисман регрессияси частотасининг сезиларли даражада ошишига олиб келмайди.

Нур терапиясидан кейин ўсманинг қисман регрессияси аъзо сақловчи амалиётлари эҳтимолини оширади. Нурланишдан кейинги клиник самарада рецидивланиш беморларнинг 23,5 фоизида қайд этилган, ўртача рецидив пайдо бўлиш даври - 19,8 ой. Беморларнинг 93,8% даволанишдан кейин қовуқнинг қоникарли функциясини сақлаб қолади.

Яшовчанлик нур терапиясининг таъсири ва умумий ўчоқли дозаси билан боғлиқ. Рецидивсиз 3 йиллик яшовчанликнинг максимал кўрсаткичлари ўсманинг тўлиқ регрессиясида кузатилади (77,5%). Қисман регрессияда бу кўрсаткич 63,5%, стабилизацияда - 20,6% ни ташкил этади. Касаллик прогрессияланган тақдирда, 4 йиллик яшовчанликга эришилмайди.

5 йиллик умумий ва рецидивсиз яшовчанлик СЎД 64-68 Гр билан солиштириганда (мос равишда 55% ва 51,6%) СЎД 58-62 Грда (мос равишда 42,3% ва 38,7%) юқори.

Инвазив қовуқ саратони аъзо сақловчи даволаш узок муддатли натижаларини таҳлили 3-йил яшовчанлик қуйидаги кўрсаткичлари намойиш қилди:


Тримодал терапия ўтказилганда 3 йиллик умумий яшовчанлик даражаси радикал цистэктомияда $82 \pm 2,8\%$ га етди, умумий 5 йиллик яшовчанлик 95% ни ташкил этди.

3 йиллик кузатув даврида ҳаётнинг умумий давомийли медианасига бирон бир тадқиқот гуруҳида эришилмади.

7-жадвал

Инвазив қовуқ саратони беморларининг аъзо сақловчи даволаш турига кўра гуруҳларда умумий яшовчанлиги

Даво тури	Беморлар сони	Умумий яшовчанлик (%)					
		Интерваллар (ойлар)					
		12		24		36	
		М	m	М	m	М	m
ТУР+ кимё терапия	33/32,35%	86,00	1,40	84,30	1,72	77,00	1,84
Цистэктомия	33/32,35%	98,00	1,10	97,10	1,40	95,00	2,84
Тримодал терапия	36/35,29%	91,00	2,70	88,00	2,24	82,00	2,58
Log Rank (Mantel-Cox)	Хи-квадрат/Р	13,939	0,001	29,913	0,000	46,477	0,000



2 - расм. Даво усулига боғлиқ равишда 3 йиллик умумий яшовчанлик

Ўтказилган тадқиқот асосида қуйидаги натижаларга эришилди:

Адьювант кимё терапия билан ТУРдан сўнг ҳосиланинг тўлиқ регрессиясига эришилганда, беморларнинг 3 йиллик умумий яшовчанлиги 78,4% ни ташкил этди.

Статистик сезиларли даражада ($p < 0,05$), инфилтратив саратонда цистэктомиядан кейин 3-йил умумий яшовчанлик ушбу усулни радикал дастурига мувофиқ ёки йирик фракциялаш режимида нур терапия билан комбинациясига нисбатан паст эканлигини аниқланди (мос равишда 67,5%, 80,8% ва 73,3%).


T_{2a} босқич қовуқ саратони беморларининг умумий 3 йиллик яшовчанлик кўрсаткичлари қиёсий таҳлили комбинирланган ёндашув, шу жумладан тримодал терапияни ўз ичига олган ёндашувда статистик аҳамиятли ($p < 0,05$) афзаллиги аниқланди (мос равишда 85,0% ва 78,4%).

8-жадвал

Инвазив саратон беморларининг рецидивсиз яшовчанлиги (%)

Интерваллар (ойларда)	Босқич				Log Rank (Mantel-Cox)	
	T_{2a}		T_{2b}			
	Рецидивсиз яшовчанлик				Хи-квадрат	P
	М	м	М	м		
12	92,60	2,70	88,20	3,20	5,038	0,025
24	90,00	3,07	86,20	3,12	5,273	0,022
36	85,00	2,98	78,00	2,89	5,489	0,019

Олинган натижалар 3-расмда яшовчанлик эгрилиги шаклида аниқ кўрсатилган.



3-расм. Инвазив қовуқ саратони беморларининг касаллик босқичига кўра рецидивсиз яшовчанлиги

